



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 7 март, №54 (3166)

Жума

МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ



6 март куни Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари "Дурмон" қароргоҳида бўлиб ўтди. Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Словакия раҳбари билан яққамма-яққа суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро

муқола ва муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Словакиянинг муайян масала ё вазиёга бераётган баҳоси, қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Словакиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тузилмасига интеграциялашиш борасидаги савий-ҳаракатларини юқори баҳолади ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожини учун янги имкониятлар очинишига қатъий ишонч билан қарайди. Ўз

набатида, Словакия Ўзбекистоннинг жаҳон сиркат майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксил-террор коалициясига қўрсатётган ёрдамини юксак даражада қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам, БМТ, НАТО, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида халқаро уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабанда, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соддаган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрни ёқлади.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилар экан, савло-иқтисодий соҳада мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётганини қайд этди.

Ўзбекистонда словакиялик шериклар билан тузилган қўшма корхоналар сони анча кам. Савдо-иқтисодий муносабатларни баҳолашда асосий мезон вазиёсини ўтайдиган экспорт-импорт ҳажми ҳам томонларни қониқтирмайди. Президентлар иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида тузилган ҳужжатлардо қўшма комиссиянинг фаоллигини ошириш ҳамда Словакияга Ўзбекистондан мутахассис ва ишбилармонлардан иборат делегация жўнатишга келишиб олди. Матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу делегация-бевосита корхона ва ташкилотларда бўлиб, ҳамкорлик имкониятларини ўрганади. Мулоқотлар ниятсизлик етган эса, Словакия Президенти қабулда бўлиб, қандай натижаларга эришилгани ҳақида ахборот беради. Яъни, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласи давлат раҳбарларининг назоратида бўлади.

Ўзбекистон ва Словакия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам асосан иқтисодий ва савдо масалаларга эътибор қаратилди. Президент Ислам Каримов машинасоҳаларда, жумладан, саноатнинг тўқимачилик, қўшма ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш,

СУРАТДА: ташрифдан
лаоҳа.

Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.
(Давоми 2-бетда).

Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустернинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида бизнес-семинар уюштирилди. Тадбирда Словакия ҳамда Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

ЎЗБЕКISTON-СЛОВАКИЯ БИЗНЕС-СЕМИНАРИ

Мазкур семинар Ўзбекистон билан Словакия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 10 йил тўлган вақтга тўри келгани билан аҳамиятлидир. Утган давр мобайнида нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайди, балки самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий база ҳам яратилиб, мустақамланди. Икки давлат ўртасида имзоланган савдо, иқтисодиёт, савдо, фан ва таълим соҳаларида оид йиғирмага яқин ҳўжат бунга яққол мисол бўла олади.

Семинарда ишбилармонларга Ўзбекистон ва Словакияда амалга оширилатган иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақида атрафилича маълумот берилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хоржий сармоядорлар ва тадбиркорлар фаолияти учун барча қўлайликлар яратилган. Мавжуд шарт-шароит икки мамлакат ишбилармонларини рағбатлантириб, янада фаолроқ бўлишга ундайди.

Тадбирда ишбилармонлар ўртасида мунтазам мулоқотларни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Ҳамкорликда муайян дастурлар ва амалий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш вақти аллақачон келгани қайд этилди. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, билимни, ижодкор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини, маданий-маънавий қадриятларини юксалтиришдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақдирлаш қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 1999 йил 10 июндаги Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузурдаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг тақдирлаш биноан, алоҳулқи, зўқоллиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъодини намойён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин (тақдирланганлар рўйхати илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8-Март хотин-қизлар байрамиға бағишлаб ўтказилган тантананда совриндорлик ёрликлари ва нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бириға энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. "Ўзтеледио" компанияси (А.Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигиға (М.Ҳазратқулов) Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдорларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш таъсис этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғулмова зиммасиға юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 3 март.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 3 мартдаги
қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат
мукофоти билан тақдирланганлар
Р Ў Й Х А Т И

Шержанова Фазу Кеунимжаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги касб-ҳўнар коллежининг 3-курс талабаси

Ақбаралиева Зейла Маннобжоновна — Андижон вилояти Асака шаҳридаги педагогика коллежининг 2-курс талабаси

Авезова Дилдора Баходуровна — Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 17-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси

Мухтарова Гулруҳ Асатиллаевна — Жиззах давлат педагогика институтини қўшидаги иқтидорли болалар лицейининг 3-курс талабаси

Очилова Гулруҳ Нурхоневна — Қашқадарё вилояти Ёзуор туманидаги 22-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Уринова Худайр Шокировна — Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Закирова Гулҳеҳра Бахрамовна — Наманган педагогика билим юрти ҳузурдаги "Ниҳол" тўғараги раҳбари

Ашурова Зулхўмор Шодиевна — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 35-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Дониёрова Гулруҳ Бахтиёровна — Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги "Гулруҳ" зардушлик корхонаси раҳбари

Шаймарданова Азия Раимжановна — Термиз давлат университети ҳузурдаги академик лицейининг 1-курс талабаси

Аблаева Екатерина Сергеевна — Тошкент давлат аграр университети магистратурасининг 1-курс талабаси

Мўминова Севинҷхон Толибовна — "Ўзбекнаво" эстрада Бирлашмаси Фарғона вилояти бўлимининг хонандаси

Абдуллаева Муножот Сўхатовна — Хоразм вилояти Шовот туманидаги 21-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Раҳмонбекова Малика Абдумаликовна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-курс талабаси

Мохри БОЛЛИЕВА,
ЎЗА мухбири.

Янгилиниш стратегияси

Фарғона:

ИСЛОҲОТНИНГ ОФИР ҚАРВONI

Сафарға отланишдан олдин шундай фикрга келдик: ўз кўзимиз билан берган нарсаларни ёзамиз, бадий тўқимаға берилиб йўқ, камчиликларни ҳам очиб айтамеиз.

Фаслар туташиганда

Фарғонада ислохотлар қандай кечаяпти? Унинг одимини жадаллантириш учун нималар ҳалақат бераяпти? Бизни кўпроқ шу саволлар қизиқтирарди. Айни пайтда бугун фарғоналикларнинг уй-тафаккурида нима ниятлар бор, эртанги кунни қандай тасавур қиладилар? Масаланинг бу томонлари ҳам кўнгилмизни банд этганди.

Камчиқ довоиндан ўтиб Фарғонага борсангиз, икки фасланнинг туташганиға гувоҳ бўласиз. Аввал қор қоплаган қияклар, сўнг парваршили боғлар. Биринчи тузилган фикр: Фарғонаға баҳор эрта келибди.

Йулларнинг раволигини айтмаймизми? 2002 йил мобайнида 730 километр йул тўла таъмирланди. 19 та автобекат қурилади. 346 та автобекат тартибға келтирилади. Йулларнинг икки чеккасидаги

гулзорлар эса сизни олтин водийға келганингни эслашиб туради.

Эл эъзолаган қадрият

Хали ҳеч ким билан гаплашмай туриб ҳам, бу заманда миришкор, еринг тилини билган инсонлар яшаётганини ҳис қиласиз. Вилоят марказида яқиндашганга, янги қурилишлар, бир йил олдин қурмаган манзаралар диққатингизни жалб этади. Аввал ал-Фарғоний оромгоҳидан баҳри дилнингиз очилган бўлса, энди Навоий кибити кўз олдинида намойён бўлади. Шаҳар худуди Ешлар ширбони, Ешлар маданият ва спорт мажмуи каби манзиллар билан бойибди. Янги бунёд этилган Олимпия захиралари коллежида эса 3 та ёпиқ теннис корти, 1 та ёпиқ универсал спорт зали, 8 та очиқ теннис корти, 2 та баскетбол майдони, 1 та қўл тўпи майдони, сув ҳавзалари қурилмоқда.

Фарғона туманидаги «Ешлар-обод» стадионини бориб кўридик. Бу ерга келган ҳар қандай одам спорт бежизга давлат сибатига айланмаётганини ич-ичдан ишонди.

«Умид ниҳоллари»нинг футбол мусобақиси финали шу ерда ўйналган, — деб айтишди «Ешларобод» ёшлари. — Аслида яқиний баҳр Тошқандаги стадионда бўлиши режалаштирилганди. Мусобақа ташкилотчилари ярми финал бу ерда жуда ақолиб ўтганини учун бизнинг стадионини танлашди.

Нима, бу мақтанмишми? Йўқ, гурур. Уларнинг эътирофи этилганидан қувониб. Бугун Ўзбекистон Фарғонадаги ўйинларни кузатиб турган қизларни қўйибди ҳўлат бўлганини вилоят ҳокими ўринбосари Асқариди Рўстамов гапириб берди. Кўп жойларда уй бекалари бошқа вилоятлардан келган болаларни кўк сомса, чучура, манги каби тасиқ таомлар билан меҳмон қилишибди. «Онора бўлмади, овқатлари етарли» дейишса, бағри кенг онахонлар «Атай шу болаларини деб пиширдим, Фарғонамизға меҳмон-а, булар, меҳмон» дея меҳрини очибди. Шу эмасми ўзбекининг асрлар оша эълозлаган қадрияти?!

(Давоми 2-бетда).

Жойлардан хабарлар

Комиссия йиғилиши

2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинган ва шу муносабат билан қабул қилинган Дастур халқимиз руҳини янада кўтариб, фаоллигини ошириб юборди. Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида баҳорий юмушлар, кўчат экиш, ободлантириш ишлари кенг қўламда бошланиб кетди.

Вазирлар Маҳкамасида "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ободлантириш ва кўкаламзорлаштириш ойланини ўтказиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Шунингдек, мамлакатимизда 2003 йил 15 март куни бўлиб ўтдилан умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савида уюшқоқлик билан ўтказиш, бу ишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, уй-жой мулкдорлари ширкатларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, ўқув юртларини, шунингдек, республиканинг барча аҳолисини жалб этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгиланди. (ЎЗА).

Музработда чигит экилмоқда

Норбой йил ҳам пешкадамликни бегона қилмоқчи эмас. У 28 февраль куни 15 гектарлик даласиға севляка олиб чиқди. Ҳаво совиб, ёгингирчилик бўлгани ҳалақат қилди. Шунга қарамастан пуларатчи кеча чигит экиб бўлди.

Сурхондарёда бу йил 120 минг гектар ерда пахта етиштирилади. Шу майдоннинг ўндан бир қисминдан кўпроғида чигит паёнка остида экилади.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла оҳсоқоллари иштирок этди.

Комиссия йиғилишида вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, маҳаллалар томонидан Ободлантириш ва кўкаламзорлаштириш ойланини ўтказиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Шунингдек, мамлакатимизда

«Йўл бўлсин» немис тўлқинларида

Германиянинг «Мульти-Культи» 106,8 FM яқшанбадаги тонги «Жаҳон мусиқаси» эшитиришида Севара Назархон ижросида «Йўл бўлсин» кўшиги янгради. — дея хабар беради «Жаҳон АА» мухбири Аслам Акбаров.

Европа марказида она тилида янграган кўшиқни эшитиш ҳиссини сўз билан ифода қила бўлмайди. Шу ўринда олмон радиодастури суҳандонининг сўзларига қулоқ солайлик:

— Радио тўлқинимизда янграган Севара Назархон ижросидаги «Йўл бўлсин» кўшигини айналарға бой бўлган ўзбек вокал кўшиқчиликлари санъати шўҳ асаридир. Шу мақоратини намойён этган хонанда нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ хорж мамлакатларида ҳам машҳурдир.

IVAX ЯНГИЛИК ТАҚДИМ ЭТАДИ

Аллергия, нафас йўли астмаси — ҳозирги кунда кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, одамларнинг ҳар учта-сидан бирида бу касалликни кузатиш мумкин. Пойтахтимизнинг Бизнес марказида шу соҳа мутахассислари билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг бевосита мулоқотида Буюк Британиялик профессор Г.Кромптон ер юзи аҳолисининг деярли 40 фоизда ҳозирги кунда нафас йўлларининг хасталиклари учрашини айтди.

Аллергик касалликларга чалиниш ва уларнинг тарқалиш сирлари ҳозирча муаммо. Аммо илм-фан қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Илмий ахборотнинг ўзгариши билан касалликларнинг аққол белгиларига қараб, уларни даволаш воситалари, янги-янги препаратлари яратилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик

Тиббиётнинг бундай муаммоларига бағишланган маҳаллий ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилиб турилди. 4 март кuni Тошкентнинг Бизнес-маркази мажлислар давлати республикаси алергологлари ҳам уларнинг навбатдаги тўртинчи илмий-ихтисослаштирилган анжуманига тўпланиди. Аммо бу галгиси моҳият эътибори билан халқаро анжуман тусини олди. Унинг ишида биз юқорида эслagan Буюк Британиялик профессор Г.Кромптон, чехиялик профессор П.Бергвист каби дунёга таниқли алерголог олимлар ҳам қизқарди маърузалар билан чиқдилар. Анжуман мавзуси ҳам кенг

қўламли. У "Бронхиал астма ва аллергия — XXI асрда: уларни даволаш ва олдини олиш стратегияси" деб аталади. Яна бир янгилик шуки, анжуманда АҚШнинг машҳур IVAX фармацевтик корпорацияси мутахассислари ҳам ҳозир бўдилар. Фақат

шугина эмас: бу корпорация республикаси алергологлари анжуманининг ҳомийлигини ўз зиммасига олди. Шундай қилиб, аллергия хасталикларини енгиш учун бутун дунё мутахассислари қўли қўлга бериб, ўзаро бирлашиб курашга киришаётганликлари аён бўляпти.

Дарвоқе, IVAX корпорацияси ва унинг фаолияти тўғрисида бир оғиз маълумот. Корпорация қароргоҳи АҚШнинг Флорида штатидаги Майами шаҳарчасида жойлашган. Унинг 30 та давлатда ваколатхоналари бор. Асосий фаолияти — мавжуд дори-дармонларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш, янги

дори-дармон яратиш, ишлаб чиқариш, фармацевтика маҳсулотлари бўйича маркетинг ишларини олиб бориш. Мазкур корпорация таркибига Буюк Британиянинг "Нортон Хелскеа" компанияси, Чехиянинг "Гален" фармацевтика заводи ҳам қиради.

"IVAX" корпорацияси алергик касалликларни "Саламол Эко" ва "Беклазон Эко" сингари янги, кучли самаралор дори-дармон воситасида шонлиқ ва сурункали даволаш усулларини тақдим этмоқда.

Маълумки, алергик касалликлардан даволанишда ингалиция техникасидан қонун-қоидаларда кўрсатилгандай тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, IVAX ишлаб чиқарган "Энгл нафас" номи янги ингалиатор автоматик усулда, белгиланган меърада дори бериб ишлаши билан ажралиб туради.

Тошкент анжуманида IVAX корпорациясининг ана шу янгиликларни борасида ҳам маърузалар эшитилди. Анжуман ташаббускори, Республика алергология маркази директори, профессор Озодбек Назаров биз билан суҳбатда анжуман иши ва хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик ҳусусида шундай деди:

— Анжуманда республикада алергик ва нафас йўли касалликларини даволаш бўйича тажрибалар, учраётган муаммолар таҳлил этилди. Хорижий мутахассислар ва IVAX корпорацияси вакилларининг чиқишларида бир қатор муҳим назарий-илмий янгиликлар илгари сурилди. Улар билан ҳамкорлигимизни бундан кейин ҳам мустақамлашмиз. Чунки кенг миқёсдаги ҳамкорлик тиббиётимизни янги поғоналарга олиб чиқади.

М. САФАРОВ.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу босқич шифохоналарни замонавий таъхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, дори-дармон таъминотини яхшилаш масалаларини кечиктирмасдан ҳал қилишни тақозо этади.

«Ўзфармасаноат» тақдимот ўтказди

Нукусдаги "Туркистон" ёшлар марказида "Ўзфармасаноат" давлат акционерлик концерни уюштирган тадбир ҳам бу борала дастлабки қадам бўлди, дейиш мумкин.

Марказда концерт тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган дори-дармон ва боғлов материаллари тақдими бўлди.

— Ушбу тадбирдан асосий мақсад, — дейди "Ўзфарма" очик акционерлик жамияти бошқаруви раисининг муовини Фахритдин Саъдуллаев, — четдан келтириладиган сифатсиз, мудлати ўтиб кетган дори-дармонлар ўрнига ўзимизда ишлаб чиқариладиган ишончли, сифатига тўлиқ кафолат мавжуд бўлган маҳсулотлардан фойдаланишни тавсия қилиш.

Тадбир давомида маҳаллий дори-дармонлар билан ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузилди.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.



КАРНАВАЛ ҲОЖИАСИ

Лотин Америкасида кувнок карнаваллар Ҳожа билан тугаши, афсуски, тез-тез учраб туради.

Панамада беш кун давом этган байрам пайтида қарийб 40 киши ҳаётдан кўз юмди, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" агентлиги.

Миллий полиция вакилининг маълум қилишича, кишилар ҳалок бўлишининг асосий сабаби спиртли ичимликларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилишдир. Унинг айтишича, қарийб барча йўл-транспорт ҳодисаларида, муштлашишларда ва бошқа нохуш воқеаларда маст кишилар иштирок этган.



ЛИМУЗИНЛАР АУКЦИОНДАН ОЛИНДИ

Белградда собиқ ЮСФР президенти Йосип Броз Титога тегишли 12 та қимматбаҳо лимузин аукционда сотилган пайтда ҳукумат томонидан олиб қўйилди. Сербия ва Чернигория Иттифок давлати матбуот хизмати хабарларига қараганда, бу автомобиллар ноёб ёдгорлик, деб тан олинган ва яқинда Белграддаги Миллий тарихий музейдан жой олади.

Аукцион ташкилотчилари бу машиналар сотувидан 2,4 миллион доллар фойда кўришни мўлжаллаётганди.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

КОЧАРЯН ОЛДИНДА

Сўнгги маълумотларга қўра, Арманистонда бўлиб ўтган президент сайловларининг иккинчи турида мамлакатнинг амалдаги президенти Роберт Кочарян 67,5 фоиз овоз олган. Унинг рақиби — Халқ демократик партиясининг етакчиси Степан Демирчянин сайловчиларнинг 32,5 фоиз қўллаб-қувватлаган, деб хабар беради "РИА"Новости" агентлиги.

ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛДИ

Исроилининг Хайфа шаҳрида ўтган кун содир этилган портлашни "ХАМАС" гуруҳи ўз зиммасига олди. "Си-эн-эн"нинг маълумотига қараганда, ҳодиса оқибатида 15 киши ҳаётдан кўз юмди ва 40 киши жароҳатланди. Яра-ланганларнинг кўпчилиги оғир аҳволда.

БЕШ ЮЗ ЁШЛИ ТОШБАҚА

Хитойнинг Хайнань оролида балиқчилар беш юз ёшли тошбақани ушлашган. Унинг ёшини мутахассислар қосадидаги белгиларга қараб ҳисоблаб чиқишган, деб хабар беради "China Daily".

Ноёб жониворни балиқчилардан 590 юань (71 долларга яқин)га Пайпу шаҳрида яшовчи пенсионер сотиб олган ва уни қайтариб денгизга қўйиб юборган. Кекса тошбақа қосади унга озор етказмаслик сўралган махсус белги ўрнатилган.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҲУКМДАН НОРОЗИ

Россия Федерацияси Олий суди Ади Шаронни ўғирлашда айбланган жиний гуруҳнинг кассацион шикоятини кўриб чиқишга киришди.

13 ёшли Ади Шарон отаси билан биргаликда 1999 йилнинг 23 август кuni Москванинг Кутузов шоҳқўчасидаги уйлардан бирининг йўлгадан ўғирлаб кетилганди. Эртаси кун жиноятчилар отани қийиб юборишди, аммо ўглини гаровга олиб қолди, эвазига саккиз миллион АҚШ доллари талаб қилишди. Жиний гуруҳ Чеченистондан туриб музокаралар олиб борган бўлса, бола Пехуз вилоятидаги дала ҳовлилардан бирининг ертўласида сақланади. Жиноятчилар 50 минг доллар пулни олиб, отага таъсир ўтказиш учун боланинг икки панжасини кесиб ташлашди. Шарон 2000 йилнинг июнидагина озод қилинади.

2002 йилнинг 12 апрель кuni Москва шаҳар суди ушбу жиний иш бўйича айбдорларни 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган эди. Аммо жиноятчилар ҳукмдан норози бўлиб Олий судга шикоят қилишди.



Муаммо ечимини топди

Газетада босилмади, аммо...

Шаҳар аҳолисининг муайян тўловлардан қарзи борлиги ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси номидан «Қумакай» тақсимлаш шохобчаси орқали шартномада келишилган миқдорда табиий газ берилмаётганлиги сабабли, асосий қувурлардан узоқда жойлашган кўча ва худдаларда (шу жумладан, Амир Темур шоҳқўчасида ҳам) таъминот етарли даражада бўлмапти. Ҳозирги кунда «Андижоншаҳаргазтаъминот» бўлимининг томонидан узатиладиган газни бир меърада етказиб бериш чоралари кўрилмади.

Марказий қозонхонадан келадиган иссиқлик энергияси камлиги учун, хатларда кўрсатилган уйларнинг иситиш тармоғи Темирйўл қозонхонасига уланди. Муаммо ижобий ечим топди. Шунингдек, ушбу уйларни ҳам узлуксиз равишда электр токи билан таъминлаш йўлга қўйилди.

А.ГАМБЕРДИЕВ, Андижон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосори.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

2002/2003 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан келишилган ҳолда шартнома асосида ишга юбориш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади. Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда эҳтиёж бўлса, тақлифлар беришингизни сўраймиз. Жадвалда вилоятлар миқёсида университетимизни тугатаётган ёш мутахассислар ҳақида маълумот келтирилган. Манзилимиз: 700084, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: 138-64-18 (Маркетинг хизмати бўлими), 35-10-40 (тел/факс).

БАКАЛАВРИАТ

Т/р	Ёш мутахассислар тақсимланаётган вилоят	Мутахассислик номи							Жами
		Менежмент (соҳалар бўйича)	Почта хизмати	Телекоммуникация тармоқлари ва коммунал тизимлари	Телекоммуникация узатиш тизимлари	Информатика	Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш	Касбий таълим (телекоммуникация)	
1.	Қорақалпоғистон Респ.	6	-	2	3	2	1	-	14
2.	Андижон	-	-	4	4	-	-	-	8
3.	Бухоро	1	1	5	3	-	3	1	14
4.	Жиззах	-	-	4	2	3	1	2	12
5.	Навоий	-	-	1	4	1	3	-	9
6.	Наманган	5	-	5	6	3	3	3	25
7.	Самарқанд	4	1	1	2	2	3	2	15
8.	Сирдарё	1	1	2	2	-	1	-	7
9.	Сурхондарё	8	4	4	7	-	5	2	30
10.	Тошкент	12	2	30	19	4	16	2	85
11.	Фарғона	2	-	8	7	2	2	1	22
12.	Хоразм	1	-	4	4	-	1	1	11
13.	Қашқадарё	5	10	8	17	9	8	5	62
14.	Тошкент шаҳри	85	18	102	71	21	83	24	404
15.	Бошқа давлатлар	1	-	2	-	1	-	-	4
Жами		131	37	182	151	48	130	43	722

МАГИСТРАТУРА

Т/р	Ёш мутахассислар тақсимланаётган вилоят	Мутахассислик номи			Жами
		Менежмент (соҳалар бўйича)	Телекоммуникация	Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш	
1.	Қорақалпоғистон Респ.	1	-	-	1
2.	Андижон	-	1	1	2
3.	Бухоро	-	-	1	1
4.	Жиззах	-	1	-	1
5.	Навоий	-	-	-	-
6.	Наманган	2	-	1	3
7.	Самарқанд	1	-	-	1
8.	Сирдарё	1	-	-	1
9.	Сурхондарё	-	-	-	-
10.	Тошкент	-	2	4	6
11.	Фарғона	-	1	1	2
12.	Хоразм	-	-	1	1
13.	Қашқадарё	-	-	2	2
14.	Тошкент шаҳри	19	27	23	69
15.	Бошқа давлатлар	-	-	-	-
Жами		24	36	33	93

«O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АК

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2003 йил 8 апрель кuni соат 11.00да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 21-уй, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси мажлислар зали. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.30дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

- «O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида дирекция ҳисоботи ва «O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг ижро органи раҳбарини бир йилга ёллаш бўйича меҳнат шартномасини тузиш тўғрисида.
- «O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг 2002 йил бухгалтерлик баланси ва молиявий натижалари ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
- «O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг 2002 йил фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудиторлик текшируви ҳисоботи тўғрисида.
- «O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг 2002 йил фаолияти бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш тўғрисида.
- 2003 йилга аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи миқдорини белгилаш тўғрисида.
- «O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг 2003 йил бизнес-режаси, харажатлар сметаси ва ижрочи аппаратини тасдиқлаш тўғрисида.

«O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH» АКнинг йиллик умумий мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри ва акциядорлар рўйхати 2003 йил 9 март ҳолатига ёпилади. Мажлисда иштирок этиш ва маълумотлар (мажлис материаллари) билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Охунбобоев к., 21-уй, 621-хона. Телефон: 133-50-93, ички телефон: 484. Кузатув кенгаши.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚКАТИГА!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

шинонда 2003 йилда янги қуриладиган рожаляшмирилган қуйидаги ишчиларга тиллов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади

Бир тўнлаш тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

- Бойсун тумани, «Дуба» ширкат ҳўжалигида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
- Бандихон туманида 192 ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши.
- Шўрчи тумани, Тамшув қишлоғида 192 ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши.
- Шеробод тумани, Истиклол кўрғонидида 192 ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши.
- Бойсун туманидаги 49-сонли 192 ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши.
- Сариосие тумани марказида кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги 900/200 ўқувчи ўринга мўлжалланган касб-хўнар коллежи қурилиши (биринчи навбати 900 ўқув ўрин биноси).
- Термиз шаҳридаги мусика билим юртини 600/50 ўқувчи ўринга мўлжалланган санъат соҳасидаги касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
- Ангор туманидаги 27-сон техника билим юртини 750/50 ўқувчи ўринга мўлжалланган кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
- Шеробод тумани марказидаги 5-сон техника билим юртини 750/50 ўқувчи ўринга мўлжалланган хизмат курсатиш соҳаси касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
- Олтинсой тумани, Улўбек номи ширкат ҳўжалигидаги мактабни педагогика соҳасидаги 700 ўқувчи ўринга мўлжалланган касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
- Денов тумани, Охунбобоев номи ширкат ҳўжалигидаги 88-сонли ўрта мактабни 750/50 ўқувчи ўринга мўлжалланган тиббиёт соҳасидаги касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.

Ушбу ишчиотларни қурилиш ишларини ақунлаш муддати — 2003 йил III-чорак.

Буортмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мукамал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакумноев кўчаси, 5-уй.
Телефон: 2-49-71, факс: 2-49-75.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади. Талабгор сифатида қатнашаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, таърибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Сурхондарё вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз ш., МКҚХор к., 14-уй. Тел./факс: (8-37622) 2-75-01, 2-75-04.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги маънада қабул қилинади. Оферталарни очиб кун ва вақтгача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, МКҚХор кўчаси, 14-уй.

